

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Навоий вилояти ҳокимлиги
ҳузуридаги Жамоатчилик
 **Кенгаши раиси**
Н.Тоғаева
16.04.2026 йил

****Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши томонидан А-379 (“Навоий–Учқудуқ”) автомобиль йўлида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган жамоатчилик эшитуви****

БАЁННОМАСИ

2026 йил 16 апрель

Навоий шаҳри

Модератор:

Н.Тоғаева — Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши раиси

Қатнашдилар:

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, ННТлар, ОАВ вакиллари

Таклиф этилганлар:

Муродилло Жўраев — ИИБ ЖХХ ЙҚХБ бошлиғи ўринбосари, вилоят ЙҚХБ вакиллари

Кун тартиби:

А-379 (“Навоий–Учқудуқ”) халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўлида йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва тизимли чора-тадбирлар кўриш юзасидан ахборотни эшитиш.

I. Кириш қисми

Жамоатчилик эшитувини очиб берган модератор А.Жалилов сўзга чиқиб, сўнгги вақтларда “Навоий–Учқудуқ” автомобиль йўлида кузатилаётган йўл-транспорт ҳодисалари кўпайиши жамиятда жиддий хавотир уйғотаётганини таъкидлади.

Шунингдек, инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, мазкур масала

бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

II. Асосий қисм

Кун тартибидаги масала юзасидан ИИБ ЖХХ ЙХХБ бошлиғи ўринбосари **Муродилло Жўраев** ахборот берди (*Ахборот илова қилинади*).

Унинг таъкидлашича:

- А-379 (“Навоий–Учқудуқ”) автомобиль йўлининг умумий узунлиги **289 км**ни ташкил этади;
- Йўл Конимех, Томди, Учқудуқ туманлари ва Зарафшон шаҳрини вилоят маркази билан боғлайди;
- Йўл 2 та ҳаракатланиш бўлагидан иборат бўлиб, **55 та хавфли бурилишлар мавжуд**;

Статистик маълумотларга кўра:

- 2021–2025 йилларда — **217 та ЙТХ**,
- **99 нафар фуқаро ҳалок бўлган**,
- **200 нафар жароҳатланган**;

2026 йилнинг дастлабки 3 ойида эса:

- **13 та ЙТХ**,
- **15 нафар инсон ҳалок бўлган**.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ЙТХларнинг асосий сабаблари:

- тезликни ошириш;
- қувиб ўтиш қоидаларини бузиш;
- кўриниш чекланган жойларда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилмаслик.

Шу муносабат билан:

- йўлнинг 6 та хавфли участкаларида тезликни **100 км/соатдан 80 км/соатга тушириш**;
- йўл бўйлаб ҳаракат хавфсизлигини кучайтириш;
- муқобил транспорт сифатида **темир йўл орқали йўловчи ташишни йўлга қўйиш** таклифлари илгари сурилди.

III. Якуний қисм

Эшитув давомида Жамоатчилик Кенгаши аъзолари, депутатлар ва экспертлар томонидан масала юзасидан қатор фикр ва таклифлар билдирилди.

Жумладан:

- хавфли участкаларда қўшимча йўл белгиларини ўрнатиш ва замонавий назорат тизимларини жорий этиш;
- йўл инфратузилмасини босқичма-босқич модернизация қилиш;
- жамоатчилик назоратини кучайтириш;
- аҳоли ўртасида йўл ҳаракати маданиятини ошириш бўйича тарғибот ишларини кенгайтириш;
- темир йўл қатновини ташкил этиш имкониятларини ўрганиш таклиф этилди.

Муҳокамалар якунига кўра:

А-379 автомобиль йўлида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласи бўйича таклифлар умумлаштирилиб,

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Жамоатчилик Кенгаши котиби:



М.Хамидов

ИИБ ЖХХ ЙҲХБ бошлиғи ўринбосари Муродилло Жўраев АХБОРОТИ

Вилоятимиз ҳудудидан ўтган **А-379 «Навоий-Учқудук»** халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлининг умумий узунлиги 289 км.ни ташкил этади ва вилоятнинг **Учқудук, Томди, Конимех туманлари ва Зарафшон шаҳрини** вилоят маркази билан боғлайдиган асосий автомобиль йўли ҳисобланади.

Мазкур автомобиль йўлида **4** та йўловчи ташувчи уюшмаларга қарашли **61 дона** катта ҳажмли автобуслар, **НКМК ва Навоий Уран** давлат корхонасига қарашли 300 дан ортиқ йўловчи ташувчи автобуслар ҳамда 1000 дан ортиқ юк ташувчи ҳамда 10.000 мингдан ортиқ енгил транспорт воситалари доимий равишда ҳаракатланади.

Автомобиль йўли 2 та ҳаракатланиш бўлагидан иборат бўлиб, йўлда **55 та** хавфли бурилишлар мавжуд. Транспорт воситалари аксарият ҳолларда кўриниш чекланган жойларда ва йўлни торайган участкаларида қувиб ўтишни амалга ошириш вақтида қарама-қарши йўналишга чиқиб ҳаракатланишлари натижасида йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқмоқда.

Хусусан, 2021-2025 йилларда мазкур автомобиль йўлида жами 217 та (2021 йилда 44 та, 2022 йилда 34 та, 2023 йилда 69 та, 2024 йилда 32 та ва 2025 йилда 38 та) йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиб, 200 нафар фуқароларнинг турли даражада тан жароҳати олишига ва 99 нафар фуқароларнинг эса бевақт ўлимига сабаб бўлган.

Шундан, 87 таси ёки 41.4 фоизи **«Афдарилиш»**, 80 таси 36.8 фоизи **«Тўқнашув»**, 8 таси ёки 3.7 фоизи **«Тўсиққа урилиш»**, 29 таси ёки 13.4 фоизи **«Пиедани уриб юбориш»**, 9 таси ёки 4.1 фоизи **«Велосипедчини уриб юбориш»**, 3 таси ёки 1.4 фоизи **«Ҳайвонларни уриб юбориш»**, 1 таси 0.5 фоизи **«Турган транспорт воситасига урилиш»** турига киради.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг 63 таси ёки 29 фоизи тунги вақтда, 154 таси ёки 71 фоизи кундизги вақтда содир этилган.

Содир этилган 217 та йўл-транспорт ҳодисасининг 128 таси ёки 58.9 фоизи ҳайдовчиларнинг белгиланган тезликка амал қилмаслиги, 45 таси ёки 20.7 фоизи чарчоклик, рулда ухлаб қолиш натижасида натижасида содир этилган.

Биргина, жорий йилнинг ўтган даврида 13 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, ушбу йўл-транспорт ҳодисаларида 15 нафар шахс вафот этган, 30 нафар шахс тан жароҳати олган.

Масалан, А-379 «Навоий-Учқудук» халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлининг 78-90 километрлар оралиғида 12 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, уларда 5 нафар фуқаролар вафот этган, 14 нафар фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 8 таси «Тўқнашув», 3 таси «Афдарилиш», 1 таси «Ҳайвонларни уриб юбориш» турларига киради;

104-107 километрлар оралиғида 3 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, уларда 8 нафар фуқаролар вафот этган, 1 нафар фуқаро тан

жароҳати олган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 2 таси «Тўқнашув», 1 таси «Ағдарилиш» турига киради;

120-124 километрлар оралиғида 5 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, уларда 8 нафар фуқаролар вафот этган, 8 нафар фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 3 таси «Тўқнашув», 2 таси «Ағдарилиш» турларига киради;

135-144 километрлар оралиғида 13 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, уларда 6 нафар фуқаролар вафот этган, 15 нафар фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 4 таси «Тўқнашув», 9 таси «Ағдарилиш» турларига киради;

160-168 километрлар оралиғида 9 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, уларда 6 нафар фуқаролар вафот этган, 17 нафар фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 9 таси ҳам «Ағдарилиш» турига киради;

180-200 километрлар оралиғида 22 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлиб, уларда 7 нафар фуқаролар вафот этган, 25 нафар фуқаролар турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 7 таси «Тўқнашув», 11 таси «Ағдарилиш», 2 таси «Пиёдни уриб юбориш», 2 таси «Велосипедчини уриб юбориш» турларига киради.

Ўрганишлар давомида мазкур йўлни 25-200 кмлари оралиғида йўл қатнов қисми торайиб 7-9 метрни ташкил этиши, айрим участкаларида йўл маразаси емирилиб кетиб ҳаракат хавфсизлигига раҳна солаётганлиги, баъзи ҳудудларда эса йўл қопламаси бутунлай носоз ҳолга келиб қолганлиги, йўлни ушбу қисми аҳоли яшаш пунктидан ташқари ҳудуд ҳисобланиб, транспорт воситалари ушбу ҳудудда 100 км/с ва ундан ортиқ тезликда ҳаракатланишлари ва манзилга етгунга қадар юк автомашиналари ҳамда йўналишдаги бошқа транспорт воситаларини қувиб ўтиш мақсадида 80-100 мартадан ортиқ қарама-қарши йўналишга чиқишлари, йўлда ҳаракат жадаллиги кундан кунга ошиб кетаётганлиги, энг ачинарлиси ушбу йўлда ҳафтасига бир марта оғир оқибатли ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларини содир этилаётганлиги мазкур йўл инфратузилмасига зудлик билан ўзгартириш киритиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики ушбу автомобиль йўли 1975 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллиги суткасига 100-150 тани, 2000 йилда 350-450 тани, 2015 йилда 1000-1200 тани, 2026 йилга келиб 6000-7000 тани ташкил қилмоқда.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда,

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

Навоий вилояти ҳудудидан ўтган А379 «Навоий-Учкудук» автомобиль йўлининг 78-90, 104-107, 120-124, 135-144, 160-168, 180-200 км.лари оралиғида транспорт воситалари ҳаракат тезлигини 100 км/соатдан 80 км/соатгача тушуришни таклиф қиламиз.